Мустақиллик, Тинчлик, Ҳамкорлик

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

7 АВГУСТ, ШАНБА. № 154 (649). 1993 йил.

Сотувда эркин нархда.

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМДЎСТЛИК ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ЙИҒИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

6 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ҳамдўстлик Давлатлари раҳбарларининг йиғилишида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

Тошкент аэропортида Президентни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Бош вазир А. Муталов, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, Т. Алимов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

(ЎзА).

МОСКВА, 6 август. ЎзА махсус мухбири Лев Левин телефон орқали хабар қилади:

Тожикистонда давом этаётган можаро, айниқса, Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги можаро сиёсий йўл билан тезроқ ҳал этишни тақозо этмоқда. Москвадаги учрашувнинг асосий мавзуси ана шундай. Бугун Президент Ислом Каримов ҳамда Марказий Осиё минтақасидаги бошқа давлатларининг бошлиқлари шу учрашувга келдилар.

Маълумки, бу муҳим муаммони яқинда Алматида муҳокама қилган Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентлари учрашув ташаббускори бўлдилар. Уларнинг Ҳамдўстлик Давлатлари бошлиқларига мурожаати қўллаб-қувватланди. Тожикистоннинг Афғонистон билан чегараси — бутун МДҲ чегараси экани, барча Ҳамдўстлик мамлакатларидаги сиёсийлик шу чегарадаги вазиятнинг барқарорлигига боғлиқлиги ҳозир ҳаммага равшан бўлиб қолди. Ислом Каримовнинг Қозоғистон пойтахтида Тожикистон муаммоси хусусида айтган беш принципи сиёсатчиларнинг диққат-эътиборини тортмоқда. Республикамиз раҳбариятининг бу масалада тутган йўли Марказий Осиё давлатларида ҳам, Россияда ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

— Қўшни Тожикистондаги воқеаларнинг авж олиши шошилинч чоралар кўришни талаб қилмоқда, — деди Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда. — Бошқа республикалар каби Ўзбекистон ҳам бундан жуда манфаатдордир. Лекин, яна такрорламоқчиман, Тожикистоннинг қандай йўлдан ривожланишини шу республика халқининг ўзи ҳал қилиши лозим. Аммо, бундай вазиятда биз у ерда юз бераётган воқеаларни лоқайдлик билан кузатиб тура олмаймиз.

Биз Москвага фақат Тожикистон муаммосини муҳокама қилиш учун келган эмасмиз, — деди Ислом Каримов. — Давлат бошлиқларининг музокараларида кенг доирадаги масалалар муҳокама қилинади. Қандай йўлдан олға боришимиз лозимлигини белгилаб оладиган пайт келди. Кун сайин кўпайиб бораётган иқтисодий муаммолар, мавжуд тартибсизликлар, МДҲ доирасида амалга ошириладиган стратегик йўлнинг йўқлиги — буларнинг ҳаммаси ҳозирги мустақил давлатларнинг аҳволига салбий таъсир қилмоқда. Бундай шароитда кўп нарса Россиянинг тутган йўлига боғлиқ. Ҳаракатларнинг қўшма дастурини ишлаб чиқа оламиз, деб умид қиламан.



Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот шаҳрида маҳсулотларни қайта ишловчи яна бир корхона ишга тушди. Бир кеча-кундузда 130 тонна ун ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ун комбинатининг дастлабки маҳсулотларни истеъмолчиларга жўнатила бошланди.

СУРАТДА: янги ун комбинатининг умумий кўриниши; инженер Рашид Беканов (чапда) ва директор муовини Карамитдин Хожибековлар бошқарув пульти ёнида; лаборант Алия Хўжамуродова.

Б. АЛЛАШЕВ олган сурат.





ЖУРНАЛИСТЛАР МУЛОҚОТИ

Иқтисодий ислоҳотни жадаллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, корхона ва хўжаликларни давлат тасарруфидан чиқариш, янги иш жойлари ташкил этиш — бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёни матбуот, радио ва телевидениеда қандай ёритилмоқда?

Журналистларнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида бўлиб ўтган ижодий суҳбатида ана шу масалалар ҳақида гап борди. Унда агентликнинг вилоят мухбирлари, республика оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон Президенти матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст республикада юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни, мустақил ички ва ташқи сиёсатни, асрий қадриятларимизни тиклаш, шунингдек истиқлолимизнинг икки йиллик байрамига тайёргарлик юзасидан амалга оширилаётган ишларни матбуотда тўғри ва холисона ёритиш борасида журналистлар олдида турган вазифалар хусусида гапирди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва Ўзбекистон мухбирлари хабар қиладилар

ИШБИЛАРМОНЛИК ЧИҚИТ ЧИҚАРМАЙДИ

ЯНГИЙЎЛДАГИ «Меҳнат» ишлаб чиқариш ширкати шу пайтгача чиқит сифатида ташлаб юборилаётган пластик буюмлардан пластмасса идишлар тайёрлашни ўзлаштирди.

ШИРКАТ жамоаси йил бошидан буён юз тоннадан зиёд чиқитни қайта ишлаб, мевасабзавот маҳсулотлари, шишалар ташиладиган идишлар, турли ҳажмдаги сув ва канализация қувурлари каби ўн хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бундан келаётган даромаднинг бир қисми ходимларнинг моддий ва ижтимоий эҳтиёжини қондиришга сарфланаётган бўлса, бир қисми хайрия ишлари учун ажратилмоқда.

ЖАРРОҲЛИК МАСЪУЛИЯТИ



ТАБОБАТЧИЛАРДАН биринчи галда талаб қилинадиган нарса — ишда хатога йўл қўймаслик. Жарроҳларнинг зиммасидаги масъулият янада юксак. Тошкентдаги онкология илмий-тадқиқот институтининг проктология бўлими жарроҳи Ҳамроқул Бобоқулов бунга яхши тушунади ва қатъий амал қилади. 75 ёшли уруш фахрийси Раҳмат ота Ҳусанов бу жарроҳга миннатдорчилик мактуби йўллаган ўнлаб беморлардан бири, холос.

УЗЛАРИ УЧУН ИНТИЛИБ

АСАКА автобус ва енгил таксилар саройининг ишбилармон ҳайдовчи ва мутахассислари машина ойналари ишлаб чиқариладиган цех қуришди.

ҚЎЛ қовуштирмай, енг шимарилганининг фойдаси дарҳол кўрина қолди. Ҳозир қўшни корхонаю шахсий машина эгаларидан тушаётган буюртмаларнинг кети узилмаяпти.


Қишнинг қаҳратон кунлари автобусларнинг моторини ўт олдириш қийин бўлиб, ортиқча бензин сарфлашга мажбур бўлишарди. Бу муаммонинг ҳам эпидан чиқишди. Электр иситгичлар ёрдамида моторни илиқ сақлайдиган мосламалар ясалди. Энди автобус ва машиналар эрта тонгданоқ бемалол йўлга чиқаверади.

ОҚЖУХОРИ ЭКИНГ, ИККИ МАРТА УРАСИЗ

БАЛИҚЧИ туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигида оқсоқолнар мактабжўхорини оқжўхори билан қўшқаторлаб экишни маслаҳат беришяпти.

МАСЛАҲАТ тўғри чиқди: чорвага аталган озуқа баракали бўлиб, сигирларнинг сути кўпайди. Янги усулнинг яна бир афзаллиги шу бўлдики, дастлабки ҳосил ўриб-йиғиб олингач, майдонлар суғорилса, оқжўхори туплари ёнидан бир неча поя ўсиб чиқиб, такрорий экин сифатида яна ўримга келаркан. Шу йўл билан сарф-харажат кам бўлгани ҳолда бир ердан анчагина озуқа олинаркан.

НАСИБАНИ ЕШ ДЕМАНГ...



ЎЗБЕКИСТОН ҳудудида зўр бериб барпо этилаётган қўшма ва нисбий корхоналардаги ишчи ўринларини асосан ёшлар эгаллашаяпти. Самарқандлик тикувчи Насиба Набиева ана шу ёшларнинг бири. У кунлик нормасини оширибгина бажариш билан бирга, тикган маҳсулотини фақат биринчи навга топширяпти.

МЕВА НИҲОЛДАН БОШЛАНАДИ

САЛОМАТЛИГИ сабаб истеъфога чиққан миршаб Ислом Ҳайтонов томорқасида мевали дарахт кўчатларини етиштиришга киришган эди.

АВВАЛИГА эринмай, бир йил мева уруғи ва данакларини йиғди. Шу тариқа томорқасида минг тупдан зиёд олма, шафтоли, беҳи ва тут ниҳоллари вояга етди.

Соҳибкор эндиликда бир гектар ерда кўчат етиштирмоқда. Қорақалпоғистоннинг илғор «Правда» жамоа хўжалигига тузукгина даромад келтирди. Ўзининг айтишича, оилавий даромади ҳам чакки бўлмайди.

ЯНГИЛИКЛАР ✲ ФАКТЛАР ✲ ВОҚЕАЛАР

Қонун лойиҳалари кўриб чиқилмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашн Ранси ҳузуридаги Кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши тўғрисида», «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ва механизм эгаларидан ундириладиган солиқлар тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор Қонунлар лойиҳалари муҳокама қилинди. Мажлисда барча Қонунлар лойиҳалари тўлалигича маъқулланди ва уларни Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, мажлисда Қора ўзак райони ҳокимининг ижроия органларига раҳбарлиги, Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ечиш тартиби тўғрисидаги Республика Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси, «Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорлари лойиҳаси тўғрисида»ги, «Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Қонунлар лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

М. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги олдидан*

ФИРМА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Шаҳрихонда анъанавий шарқ нақши билан безалган янги бино пайдо бўлди. Бу бинода магазин, ошхона, чойхона, шунингдек, «Шаҳрихон» фирмасининг тикувчилик цехи жойлашди. Бу ерда 30 га яқин одам иш топди.

Бу кўп тармоқли фирма фаолиятининг кенгайиши Андижон вилоятининг аҳоли зич жойлашган Шаҳрихон туманига одамларнинг иш билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш имкониятини бермоқда. Одамлар тикув цехларига, теплица хўжалигига, бўрдоқичилик базасига, товуқ фабрикасига, шунингдек, фирманинг магазинлари ва умумовқатланиш муассасаларига ишга жойлашмоқдалар. Фирманинг нархи нисбатан арзон бўлган маҳсулотларини эса туман аҳолиси бажонидил харид қилмоқда.

МЕҲНАТКАШЛАР ЭЪТИБОРДА

Поп ион маҳсулотлари комбинати Саиг қишлоғини ободонлаштиришга киришди. Бу ерда комбинатнинг кўпгина ходимлари истиқомат қилишади.

Қисқа вақт ичида болалар боғчаси, магазин қурилди. Тиббиёт пункти билан новвойхона эса битказилиш арафасида турибди. Корхона маъмурияти асосий эътиборни ўз ходимларининг моддий ва маиший эҳтиёжларини қондиришга қаратмоқда. Пенсияга чиқаётганларга ўртача иш ҳақи ҳамда нархнавонинг ошиб боришини ҳисобга олиб, 50 минг сўм ва ундан кўпроқ пул беришга қарор қилинди.

«ЎЗДАВСТАНДАРТ»ИНИНГ ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРИ

«Ўздавстандарт» органлари янги меъёрий ҳужжатлар мажмуасини тасдиқлаб, амалга киритди.

Бу ҳужжатлар стандартлар ва техник шарт-шароитларни текшириш, қайта қараб чиқиш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш тартибини, идораларга тегишли метрологик хизматлар ҳаракатини, уларга ҳужжатлар бериш тартибларини изга солади.

Тўқимачилик корхоналари ҳамда чет элларга чиқарилаётган пахта толасига ҳам янги стандарт ўрнатилган. Унда халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда толанинг янги таснифи аниқланган. Бу ҳужжатларни амалга киритиш корхоналарга маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқишда, стандартлашнинг халқаро тизимида қўлланилаётган қондаларни жорий қилишда қўл келиши шубҳасиз.

(ЎзА).

МУРУНТОВДА ЯПОН МАШИНАЛАРИ

МУРУНТОВ олтин карьерида эндиликда Японияда ишлаб чиқарилган «Комоцу» ағдарма машиналарини кўриш мумкин. Бу «паҳлавон» машина 136 тонна юк кўтара олади. Бундан сал илгари Мурунтовга АҚШнинг «Катпер пиллер», Швейцариянинг «Юклид» машиналари келтирилган эди. Уларнинг ҳар бири анча доллар туради. Лекин мурунтовлик олтинтопарлар долларнинг бетига қараб туришмади. Чунки, улар қазиб олаётган олтин ҳар қандай доллардан юқори туради-да.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЗАВОДДА ҲАМ БАЙРАМ БЎЛАДИ

Тошкентдаги «Миконд» заводида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг иккн йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Корхонада байрам комиссияси, шонли санага бағишланган тадбирлар режаси тузилган. Лекин ,энг муҳими — ҳар бир меҳнаткашнинг умумхалқ байрамини муносиб кутиб олишга ўз меҳнати билан ҳисса қўшишга интилаётганидир.

— Ҳозир асосий мақсадимиз бозор иқтисодиётига дадил ўтишдир, — деди «Миконд» бош директори В. А. Иванов. — Маҳсулот етказиб бериш қийинлашгани, бозорни излашга тўғри келаётгани ҳисобга олинса, бу осон иш эмас. Шунга қарамай, жамоа гайрат билан меҳнат қилмоқда. Чунки, истиқболни кўриб турибмиз. Корхона истиқболи — халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, асосий маҳсулот турларини янгилашдадир. Биз ҳам ички, ҳам ташқи бозорни мўлжаллаб иш қилмоқдамиз.

Мустақиллик кунини байрам қилиш тўғрисида гапирадиган бўлсак, байрам арафасида заводда меҳнат, маданият ва спорт эстафетаси ўтказилади. Бир неча танлов ўтказиш ҳам мўлжалланмоқда. Улар — касбга доир мусобақалар, халқ ижодиётн буюмлари кўргазмалари, спорт мусобақалари, бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг томошаларидан иборат.

Бош директорнинг ижтимоий масалалар бўйнча ўринбосари Ш. Одилов таъкидлаганидек, ходимларни сақлаб қолишга алоҳида эътибор берилмоқда. Корхона асосий ишлаб чиқаришдаги таназзул шароитида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга зўр бермоқда. Масалан, коржома тикиш цехи очишга аҳд қилинди. Асосий ишни касаначи аёллар бажарадилар. Завод уларни зарур материаллар билан таъминлаб туради.

Ҳозир «Миконд» заводи умумий ишлаб чиқариш ҳажмида халқ истеъмоли молларининг салмоғи 70 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Аҳоли орасида биллурдан ясалган буюмлар, шу жумладан гулдоилар ва чиройли қандиллар машҳур. Харидорлар уларни бажонидил сотиб олишмоқда. Мустақиллик куни арафасида «Миконд» Собир Раҳимов туманида ўз маҳсулотларининг кўргазмали савдосини тантикл этмоқчи бўляпти. Корхонанинг фирма магазинларига янги маҳсулотлар чиқарилади.

Заводнинг байрам тадбирларига аталган маблағи бор. Мунтазам фойда олинаётгани завод жамоасига ижтимоий муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини бермоқда. Корхона меҳнатчиларга 48 хонадонга мўлжалланган янги уй қуришни режалаштирмоқда. Болалар боғчасида ҳар бир кичкинтой учун ота-онаси ойига янги 12 сўм тўлайди. Заводнинг дам олиш зонаси, профилакторийси, спорт иншоотлари бор.

Корхонада республика Мустақиллик куни кенг нишонланади. Чунки, мустақиллик Ўзбекистонга янги истиқболларни очиб берди. Унинг келажаги эса шу днёрда яшовчи барча қишиларнинг ҳалол меҳнат қилиши билан боғлиқ.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзА мухбири.

ХАБАРЛАР

ОРЗУ УШАЛДИ

ТОЖИКИСТОН жанубидаги ўзбекларнинг кўп йиллик армонлари ушалди. Душанбе давлат педагогика дорилфунунида ўзбек тили ва адабиёти гуруҳи очилди.

Тошкент, Хўжанд ва Сирдарё дорилфунунларидаги тил ва адабиёт кулliётларидан ўқув дастурлари олиб келинди. Янги гуруҳга 25 йигит-қиз қабул қилинади. Келажакда гуруҳ бўлимга ва аста-секин кулliётга айланиши режага олинган.

Ўрни келганда, Хўжанд давлат дорилфунунида ўзбек тили ва адабиёти кулliёти анча йиллардан буён амал қилаётганини эслатиш жоиз.

У. УСМОНОВ.

ШАНБАЛИКДАН ТУШГАНИ «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИГА

НАВОИЙ вилоятида мустақиллик куни шарафига 21 августда шанбалик ўтказишга қарор қилинди. «Навоийазот» бирлашмаси, Қизилтепа туманидаги «Вўстон» ижара хўжалиги аъзолари ушбу хайрли ишнинг ташаббускорлари бўлишди.

Шанбаликдан тушадиган маблағ вилоят «Маҳалла» жамғармаси ҳисобига ўтказилади.

М. МАРДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

ИСТИҚЛОЛНИНГ икки йиллиги олдидан Бухоро вилоятидаги миллий маданий марказларнинг фестивалини ўтказиш режалаштирилаяпти.

УНДА тожик, Бухоро яҳудийлари, туркман, рус, татар, турк, корейс марказлари иштирок этади.

Тантаналарда миллий маданий марказлар ўз халқларининг урф-одатларини, қўшиқ ва куйларини намойиш қиладилар. Бундан мақсад — миллатлар ўртасидаги дўстлик ва биродарликни янада мустаҳкамлашдир.

ШОФИРКОНДА СУТ КУПАЙСА АЖАБМАС

ШОФИРКОНДА сутни узоқ сақлашнинг имкони йўқ эди.

ЯҚИНДА туман марказида кунига 25 тонна сутни қабул қиладиган корхона қурилиб, ишга туширилди. Энди бу атрофда сут маҳсулотлари мўл бўлса ажабмас.

М. ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Истиқлол мафкураси*

«НОМАЪЛУМ ЁЗУВ» ТАҚДИРИ

Ҳозирда дунёда ёзувнинг тўрт юзга яқин тури мавжуд. Лекин ҳаммасининг ҳам пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи очилмаган. Шимолий Бақтриядан бир неча йиллар илгари топилган «номаълум ёзув» деб қаралаётган битикларнинг тақдири ҳам дунёдаги кўпчилик ёзувлар тақдири каби эди. Зотан, ёзув тарихини ўрганиш — халқ тарихини ўрганиш демакдир.

1954 йили Афғонистоннинг Сурх Қатала деган жойидан аллақандай белги туширилган илк ёдгорлик топилди. Бу «номаълум ёзув» деган атаманинг келиб чиқишига сабаб бўлган ёдгорлик эди. Орадан кўп ўтмай, Ҳалчаёндан ҳам шундай белгилар туширилган идиш парчаси қўлга киритилди. Ўша пайтда бу белгилар ёзувининг алоҳида кўриниши, деб эътироф этилмаганди.

Франгистонлик геолог А. Бутинар 1967 йили Дашти Новурдан қояга ўйилган катта ҳажмдаги битикни топгандан сўнг «номаълум ёзув»га қизиқиш бир қадар ортди. Дашти Новур Қобулдан 70 км. шимоли-ғарбда жойлешган.

Ёзувдан нусха кўчирилди ва Парижга профессор Э. Бенвенцетга жўнатилди. Профессор изланишлардан сўнг шундай хулосага келди: ёзув бохторий ва хкарошти ёзувида битилган, яъни икки тиллидир.

1969 йили Дашти Новурга таниқли франг олими профессор Ж. Фюсман ташриф буюрди. У ҳинд-оврупо тиллари борасида йирик мутахассис саналарди. Афсуски, Ж. Фюсман келганда, маҳаллий аҳолининг эътиборсизлиги натижасида битиктош анчагина зарарланган эди. Шунга қарамай, Ж. Фюсман ҳам аввалги олимлардан фарқли равишда, кашфиёт яратди. Тошда уч тилнинг ёзуви бор, хкарошти ва бохторий ёзуви билан бир қаторда, янги бир ёзув ҳам битилганки, лекин буниси номаълум. Ж. Фюсман номаълум ёзув устида изланиш олиб борди. Орадан беш йил ўтди. У каттагина мақола чоп этиб, ёзувни илмий, тарихий жиҳатдан талқин қилди. У битикнинг ўнгдан чапга қараб ёзилганлигини аниқлаб (бўғинли) ёзувда битилганини, айрим белгилари хкарошти ёзувига яқинлигини аниқлади. «Тахминимча, битик эроний ёзувига алоқадор, Жиҳоди вилоятининг қадимги аҳолиси камбожилар тилида ёзилган», деди у. Ҳозирда эроний тилда сўзлашувчи ормурийлар камбожиларнинг авлоди ҳисобланади. Сурх Қатала ва Ҳалчаёндан топилган ёзувлар билан умумий ўхшашликка эга. Ж. Фюсман яна «Эроний ёзув у ерга тасодифан бориб қолган бўлса керак», деб тахмин қилди.

Дашти Новурдаги бохторий ёзувининг санаси аниқланди. Грекча ҳарфлар билан 279 йил кўрсатилган экан.

Номаълум ёзувдаги битиклар Шимолий Афғонистон, Жанубий Тожикистон, Ўзбекистоннинг турли жойларидан ҳам топилган. Ёзув асосан идишларга ўйиб ёки қора ранг билан ёзилган.

Дашти Новур битиктош кўпчилик олимларнинг диққатини жалб қилди. Санкт-Петербурглик В. А. Лившиц ҳам номаълум ёзувга ўз муносабатини билдириб, «милоддан олдинги V—IV асрларга мансуб бўлган Иссиқ ёзуви (Қозоғистон)ни ўзида гавдалантиради», деди. Иссиқ ёзувига кўпчиликнинг муроажат этишига сабаб бор. Иссиқ ёзуви ҳозиргача энг қадимий ёзув бўлиб, эроншунос ва туркшунослар учун таянч манба бўлиб қолган. Иссиқ ёзувига монанд битик 1978 йили Ой Хонум (Афғонистон) шаҳрини қазишда ҳам топилган. Битик кумушдан қилинган ясси буюмга ёзилган. Ёзувнинг санаси милоддан аввалги II аср деб белгиланди. В. А. Лившицнинг кўрсатишича, Иссиқ ёзувига монанд ва VII—VIII асрга оид битик кўҳна Марв (Туркманистон) дан ҳам топилган.

Кўринадики, «номаълум ёзув»нинг жуғрофий ўрни кенг. Шунга асосан айтиш мумкинки, Ж. Фюсманнинг: камбожи тили деган қарашлари унчалик ишончли эмас. «Номаълум ёзув»даги ёдгорликлар Ҳиндикушдан тортиб Еттисувгача, Тожикистондан Шарқий Туркистонгача тарқалган. Асосий ватани— Тохаристон. Давр жиҳатидан милоддан олдинги V—IV асрлардан милоднинг VII—VIII асрларини қамраб олади.

Қадимги турк-рун ёзуви — ўрхун-энасой ёзуви ҳам илк бор топилган пайтда турли халқларга — славяну греклар, олмону келтларга нисбат берилган эди. Ўзи «номаълум ёзув»ларнинг тақдири ҳар доим шундай бўлиб келган. Яқин икки юз йил давом этган баҳсдан сўнг В. Томсон қадимги туркларнинг ёзуви эканлигига аниқлик киритган эди. Биз сўз юритаётган «номаълум ёзув»лар ҳам сеқлар, бохторийлар, камбожилар ва бошқаларга тегишли деб айтилади ва ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Кейинроқ К. Папэн ва ушбу мақола муаллифларидан бири (Э. Р. — таҳ.) бир-бирларидан бехабар ҳолда «номаълум ёзув» юэчжи қабиласига мансуб» деган қарашни илгари сурдилар. Юэчжилар дастлаб Марказий Осиёда яшаганлар. Сўнг хунларнинг сиқуви остида дастлаб Еттисувга, кейин Бақтрияга келиб, милоддан олдинги II асрда бу давлатни босиб олганлар.

Шуни таъкидлаш лозимки, «номаълум ёзув»лар ноёб ҳодиса саналади. Шимолий Бақтриядан — Қўштепа, Кампиртепа, Кўҳна Термиздан кейинги йилларда учта номаълум ёзувли битик топилди.

Қўштепа битиги. Бу жой Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги Ҳўжақаёт қишлоғи ёнида. Ёзув Кушон даври ва илк ўрта асрга мансуб деб қаралмоқда. Учта белгидан иборат. Дастлаб хкарошти ёзуви деб қаралган эди. Аммо қиёслаш шуни кўрсатдики, у ҳам «номаълум ёзув» турига мансуб экан.

Кампиртепа битиги. Кампиртепа Термиздан 30 км ғарбда — Амударё қирғоғида. Шаҳарга тахминан милоддан олдинги III—II асрда асос солинган, милоднинг II ярмида — шоҳ Қанишка даврида тугатилган. Бу ердан топилган «номаълум ёзув» ҳам учта белгидан иборат. Иккита ҳарф аниқ, биттасининг чати йўқ. Биринчи ҳарф Қўштепа ва Хотинработ ёзувидаги ҳарфга ўхшайди.

Кўҳна Термиз битиги. Қоратепадаги машҳур будда ғори ибодатхонасидан топилган. (Л. Албаум ва П. Генделъман топган). Юэчжи ва Кушон даврига алоқадор, деб тахмин қилинади. Лойдан ишланган идишнинг тепасига бешта ҳарфдан иборат ёзув битилган. Дастлабки учта ҳарф бир-бирига қўшиб, иккитаси алоҳида-алоҳида ёзилган.

Далиллар шуни кўрсатадики, Бақтрия номаълум ёзувнинг амал қилишида асосий марказ бўлган.

Номаълум ёзувнинг тарқалиши шундай хулосага олиб келади: бу ёзув Бақтрия ва Кушон давлатининг диний ва маъмурий қаётида муҳим роль ўйнаган, аҳолининг катта қатлами тилини акс эттирган. Эҳтимол, «номаълум ёзув» эгалари сулолани бошқарган ёки катта имтиёзларга эга бўлган.

Бақтрияда туб маҳаллий аҳоли — бохторийлардан ташқари, греклар ҳам катта мавқега эга бўлиб, Кушон даврида ўз тили ва ёзувини сақлаб қолган эди. Кхароштн ва брахми ёзувлари Бақтриянинг этник қатламида ҳиндлар ҳам катта ўрин тутганлигини кўрсатади. Демак, учта йирик этник гуруҳ Бақтрияда ўз ёзувини қўллаган. Улардан иккитаси — бохторий ва кхароштн Дашти Новур битиктош ёзувини Бақтриянинг асосий аҳолиси тилини акс эттириш учун қўлланган, иккинчиси эса ҳинд мустамлакачилари тилини акс эттириш учун ва будда ақидаларини ёйиш учун ишлатилган. Шу нуқтаи назардан қаралса, учинчи ёзув Бақтрияда мақон қилган асосий аҳолининг тилини акс эттирган бўлиши керак. Ана шу аҳоли Бақтрия тарихида катта мавқе эгаллаган юэчжи ва тохорлардир.

Хўш, юэчжилар ким? «Номаълум ёзув» кимларга тегишли? Бордию юэчжиларга тегишли бўлса, қачондан бошлаб Бақтрияга келиб қолди?

Юэчжиларнинг икки тонфаси мавжуд. Хитой манбаларида Катта Юэчжи Бақтрия, Урта Осиёга нисбатан қўлланган. «Да-юэчжи» деб массагетларни айтганлар.

Юэчжиларнинг тарих сеҳнасига чиқиши Осиёда хун давлатининг қудратли мамлакатга айланиши билан боғлиқ. Милоддан олдинги III аср охирларида хун давлати Марказий Осиёда ҳукмронликни қўлга киритиб, ғарбга томон ҳаракат қила бошлади. Бақтриянинг хун давлати билан алоқалари илгаридан бор эди. Жумладан, хун ҳоконлиги тарихида ёркин из қолдирган, «туркларнинг Аттиласи» деб ном қолдирган Модэ (Ботир тангрикут) милоддан олдинги 215 йилда Юэчжига (Бақтрияга) ғаров қилиб берилган. У ердан қочиб келгандан сўнг, 210—174 йилларда хун давлати ҳокони бўлган. (Н. Бичурин. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. 1950, 1-жилд, 46-бет). Модэнинг ҳукмронлиги йиллари охирида — 176 йилда Хун давлатининг ғарбидаги бек бошчилигидаги қўшинлари, шартномани бузганлиги учун, Юэчжини босиб олди ва хун давлатига қўшди.

Мана шу тарихий далилга кўра, хунларнинг Бақтрия давлатидаги мавқеи баланд бўлган. Хун давлати Бақтрияни босиб олгач, маъмурий жиҳатдан ҳам устунлик қилиши табиий эди. «Номаълум ёзув» худди шу пайтда Бақтрияда ҳукмрон бўлса, эҳтимол. Бир томондан, тарихий далиллар, иккинчи томондан, «номаълум ёзув»нинг хусусиятлари қадимги турк ёзуви эканлигини кўрсатади.

Қўштепа, Кампиртепа, Кўҳна Термиздан топилган ёзувларни Иссиқ ёзув ва милоднинг VII—VIII асрдаги ўрхун-энасой ёзувларига солиштириш милоддан олдин яратилганлигидан далолат беради. Ҳар учала битикда ҳам Иссиқ ёзувига монанд белгилар бор.

Ҳар учала ёзув намунасини биз милоддан олдинги қадимги туркларнинг аждодларн — хунларнинг ёзуви деган хулосага келдик. Хунлар юэчжилар устидан ҳукмронлик қилган пайтда турк ёзувининг илк кўринишини жорий қилган бўлиши табиий эди. Хун даврида қўлланган ёзув айнан Ўзбекистон тупроғидан топилди. Бу жуда катта воқеа. Бундан ташқари Қозоғистоннинг Иссиқ ёзуви ҳозирча турк ёзувининг энг қадимги намунаси, кўпчилик туркшунос олимлар томонидан унинг милоддан олдинги V аср охирларида яратилгани исботини топди. Бундан англашиладики, Урта Осиё бу ёзувининг илк ўчоғи бўлганлиги шубҳасиздир. Иссиқ ёзуви турк ёзувининг ёши 2500 ёшда эканлигини кўрсатади. Ҳозирча 2500 ёшда. Бундай дейишимизга сабаб бор. Ҳали археологларимиз Урта Осиё тупроғидан ёки Марказий Осиёдан туркий ёзувнинг ҳам қадимий даврда яратилганлигини топишларига имонимиз комил. Чунки тарих шунга умид боғлашга ундайди. Илк хун давлати милоддан олдинги III асрда ташкил топган ва дунёдаги энг қудратли давлатлардан бири бўлган. Сўнгра Алп Эр Тўнга — Афросиёб қурган сак-искиф давлати (милоддан олдинги VII аср)да ҳам қадимги турк ёзуви расмий ёзув бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Қўштепа, Кампиртепа, Кўҳна Термиз битикларининг ёши икки минг йилдан ошади. Булар ҳам ҳозирча бизга маълум бўлганлари, ҳолос. Иссиқ ёзуви ҳам, Ўзбекистондан топилган ёзув намуналари ҳам ҳарфлитовушли ёзувнинг шаклланиш жараёни узоқ даврларни қамраб олишини назарда тутсак, Урта Осиёдаги ёзув маданиятининг илдизлари узоқ асрларни қамраб олиши аён бўлади. Туркий халқларнинг бошини қовуштирадиган, бир-бирига яқинлаштирадиган омил аждодларимиз яратган қадимги ёзувлардир. Шу мақсадда Ўзбекистон Фанлар академияси Қўлёзмалари институти келгуси йили туюкий ёзувининг 2500 йиллигини нишонлаш ташаббуси билан чиқмоқда. Бу тантана ҳамма туркий республикалар билан биргаликда ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раҳбарияти эса Қўлёзмалар институтининг бу ташаббусини маъқуллаяпти. Туркий ёзувининг 2500 йиллигини ўтказиш остида бошқа мантиқ ҳам бор. Фақат шов-шув кўтариш эмас, балки ўзимизнинг ёзувимиз борлигини (ҳозиргача қўлланган ва қўлланаётган араб, лотин, кирилл ёзувлари бизнинг ёзувимиз эмас) эътироф этиб кўпчиликка маълум қилишдир.

Э. РТВЕЛИДЗЕ,
тарих фанлари доктори.
И. РАҲМОНОВ,
филология фанлари доктори.

ЖАҲОНГА ЙЎЛ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси нотибияти «Халқ сўзи» рўзномасининг шу йил 28 июль сонида босилган бир гуруҳ тилшунос олимларимизнинг алифбо хусусидаги мулоҳазаларини тўла қўллаб-қувватлайди.

Жонажон Ўзбекистонимиз тил мустақиллигига эришган кунга — тўрт йил, давлат мустақиллигини қўлга киритган кунга — икки йил бўлган ҳозирги даврда биз халқимизнинг истиқболини мустаҳкамлаш йўлидаги янги ғоят мураккаб ва шарафли вазифа билан юзма-юз турибмиз. Бу — давлат мақомига эришган она тилимизга ярашуқли замонавий либоси мавзуи — тилимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига ва истиқболига тўла мувофиқ келадиган алифбо танлашдир.

Айтиш мумкинки, олдимизда уч йўл бор. Биринчи йўл ҳозирда қўлланилаётган алифбо — кириллни сақлаб қолиш. Иккинчи йўл — Қуръони карим, қолаверса, минг йиллик маданий меросимиз битилган араб ёзувига қайтиш. Учинчи йўл — 1929 йилда жорий этилган лотин имлоси асосидаги ўзбек ёзувини қайта тиклаш. Бу йўлнинг қай бири мақсадга мувофиқ? Аввало шуни таъкидлаш керакки, биринчиси — қўшнимиз Россия давлатининг тили ва маданияти, иккинчиси муқаддас динимиз — ислом маданияти, учинчиси эса ҳозирги жаҳон маданияти ва айниқса, фан-техникаси томон кенг йўл демакдир. Халқимиз ва мустақил жумҳуриятимизнинг энг олий мурод-мақсади — жаҳонга йўл, жаҳон халқлари билан бевосита ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий алоқа ўрнатиш, қолаверса, давлат тилимизни халқаро мавқега кўтариш экан, демак, бизнингча, энг мақбул йўл — учинчи йўл — ҳозирда жаҳоннинг кўпгина тараққий топган давлатларида, хусусан, қардош Туркияда қўлланилаётган лотин алифбосига кўчишдир.

«Камбағал бўлсанг —кўчиб кўр», дейди халқимиз. Биз ҳозирги иқтисодий танглик шароитида бу кўчишнинг бутун мураккаблиги ва масъулиятини ҳис қилиб турибмиз, албатта. Лекин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган, жаҳондаги бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатаётган мустақил давлатимизнинг истиқболи тақозо этар экан, бундай кўчишни ортиқ пайсалга солиб бўлмайди. Зеро, мурод-мақсад манзилимиз аниқ, йўлимиз ойдин, буёғи энди «карвон юра ўнгланади», деганлар.

Ўрни келганда алоҳида таъкидлаш ўтиш керакки, бир имлони бошқа бир имлога, бир халқни бошқа бир халққа қарама-қарши қўйиш ақли расоларнинг иши эмасдир. Лотин алифбосига ўтиб араб ва кирилл алифболаридан мутлақо воз кечиш деган маънони англатмайди, албатта. Бизга ҳар уч алифбо ҳаво, сув ва тупроқдек зарурдир. Таъбир жоиз бўлса, араб ёзувини она тилимизнинг истироҳат либоси, кирилл ёзувини жомакори, лотин ёзувини эса, кўчалик кнйими, деса бўлади. Қуръони каримдек илоҳий китоб, қолаверса, минг йиллик маданий меросимиз битилган араб ёзувини руҳонийларимиз, тарихчи олимларимиз, тарихнавис адибларимиз, манбашуносларимиз ва бошқа барча ихлосмандлар ўрганаверишлари табиийдир. Худди шунингдек, мамлакатимизда рус тили ва адабиёти атрофлича ўрганилар экан, бу тил ва адабиётга хос алифбо ҳам ўрганилавериши аниқ. Айни чоғда бизнинг мурод-мақсадимиз она тилимиз бўй-бастини жаҳоний кўчаларда намойиш этиш экан, унга энг ярашиқли, гўзал ва замонавий либосни тўғри танлай олишимиз шарт. Бу йўлда энди хато қилишга ҳеч бир ҳаққимиз йўқ!

Асримиз бошларида жаҳондаги туркий халқларнинг энг зиёли ва ақли расо кишилари бамаслаҳат танлаган алифбо, «Ўтган кунлар»у «Кеча ва кундуз»дек шоҳ асарларимиз ёруғлик кўрган имло, ўйлаймизки, она тилимизнинг энг замонавий ва мақсадга мувофиқ либоси бўла олади. Шояд бу имло Қодирий ва Чўлпондек не-не даҳоларимизнинг ушалмаган орзуларини ушатиб, Ота Туркистонимизни ҳозирги жаҳон халқлари тараққиёти карвонининг энг олдинги сафларига қайта олиб чиқса.

Хулоса қилиб демоқчимизки, бугун биз — зиёлилар лотин алифбосига кўчиш, айни чоғда, араб ва кирилл алифболарини аввалгисидан ҳам пухтароқ, ўрганиш — ўзлаштириш билан боғлиқ барча тадбирларни атрофлича ўйлаб ва мукаммал ишлаб чиқишимиз керак!

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси нотибияти.



Андижон вилоятининг Бўз туманида одамларни қўшимча иш жойлари билан таъминлашга кўпроқ эътибор билан қаралмоқда. Тумандаги атлас тўқиш чиқарувчи кичик корхона фаолиятини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу корхонада бекасам тўқиш ҳам йўлга қўйилиб, яна бир неча ўн кишининг иш билан таъминланишига имкон яратилди. Ҳозир ушбу корхонада 75 киши меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчиси Толибжон Халимов бекасам тўқимоқда.

Умарали ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

• *Бозор иқтисодиёти йўлида*

ҲАМ АВТОТАШИМА, ҲАМ АВТОКРАН...

«Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси Марказий Осиё минтақасида ДЕУ фирмаси машиналарини ташиш учун автоташима асашга буюртма олди. ДЕУ учун бундай қурилма ҳозир тайёр бўлди ва заводда синовдан ўтмоқда.

Унинг лойиҳасини корпорациянинг қурилиш иқтисодиёти ва унн ташкил этиш илмий-тадқиқот институти мутахассислари «Ўзавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда тайёрладилар. Лойиҳа асосида автоташимани Ангрендаги автомобилларни таъмирлаш заводи машинасозлари тайёрлаб бердилар. Буюртмачиларнинг фикрича, автоташима талабларга тўла мос келади. Бир вақтнинг ўзида унда учта микроавтобус билан тўртта кам литражли машинани ташиш мумкин. У икки қаватли бўлиб, иккинчи қаватига машина лифт ёрдамида чиқариладн. Юкни ташиш чоғида хавфсизликни таъминлаш учун барча зарур чоралар кўзда тутилган. Яна 20 та шундай автоташима қуришга буюртма олиндн. Келгусида, Асакадаги автомобиль заводн ишга тушганидан сўнг эса, автоташималарни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Машинасозлик — концерн ўзлаштираётган янги соҳадир. Сўнгги буюртма иш муваффақиятли бажарилаётганлигидан далолат бермоқда.

Корпорацияда бу янги ишга ночор вазиятдан чиқиш учун қўл урган эдилар. 80-йилларнинг ўрталарида бир қанча турдаги қурилиш машиналари ва механизмлари тақчил бўлиб қолдн. Фонд асосида бирон нарса олиш қийин, Ўзбекистонда миноралн ва автомобиль кранлари, бетон қорадиган машиналар ва бошқа кўп зарур техника ишлаб чиқарилмас эди. Ана ўшанда бундай техникани таъмирлаш ва тажриба-механика заводларида тайёрлашга аҳд қилинди.

Қурилиш техникаси ишлаб чиқараднган корхоналардан чизмалар олинди. Қурувчилар дастлаб миноралн кран, сўнгра автокран, кейинчалик бетон қориш машиналари ва одамларнинг яшаши учун вагончалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар. Давр машинасозлик дастури вақтида қабул қилинганнни кўрсатдн. Ҳозир корпорация турли техника билан ўзини ўзи таъминламоқда.

Машинасозлик тармоғи корпорацияга бир қанча муаммоларни ҳал этиш имконини бермоқда: тармоқ қурилиш техникаси ва машина ускуналари билан таъминланмоқда, завод қувватларидан фойдаланилмоқда, одамлар иш билан таъминланмоқда. Қўшимча фойда эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш имконини бермоқда.

Лекин, бу йўлда қийинчиликлар ҳам кўп. Республикалар ўртасида ўзаро ҳисобкитоб қилиш қийинлашгани сабабли металл прокати, бошқа бир қанча материаллар ва бутловчи маҳсулотлар етишмаяпти. Бу эса ишга ғов бўлмоқда. Чунки кўп маҳсулотлар МДҲ мамлакатларидан етказнб берилади. Яна бир муаммо пайдо бўлди: «КАМАЗ»да ёнғин чиққанидан сўнг бу корхонадан автокран ясаш учун зарур бўлган шассилар етказиб бернш тўхтаб қолдн. Корпорацияга қарашли заводларда «МАЗ» автомашиналари шассиси негизида кран тайёрлаш имкониятн ўрганилди. Минск автозаводи билан ҳам шасси етказиб бернш тўғрнсида дастлабки аҳдномага эришилди.

«Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси ходимлари бозорга ўтиш даврида қийин аҳволга тушнб қолган эдилар. Лекин улар бу аҳволдан қутилиш йўлларини излаб топишмоқда.

Н. ШУЛЕПИНА,
ЎзА мухбири.

ҲАР КИМ УЛУШИГА ҚАРАБ УЙ ОЛАДИ

УРГАНЧ. Вилоят марказида «Урганч» қурилиш ширкати тузилди.

УНГА корхоналару ташкилотлар билан бир қаторда хусусий кишилар ҳам аъзо бўлди. 80 миллион сўм бадал тўпланди. Энди шаҳар марказида тўққиз қаватли уй қурилиши бошланади. Уй битгач, аъзоларнинг қўшган маблағига қараб квартира ажратилади.

НИШОНДА ШИФОБАХШ СУВ ЧИҚДИ

«НИШОН» давлат хўжалиги ҳудудидан шифобахш сув чиқибди, деган хабар тез орада бутун туманга тарқалди.

Бу ҳодиса билан туман соғлиқни сақлаш муассасаси ходимлари ҳам қизиқнб, сувнинг таркибини текширишга киришишди. Шу мақсадда туман соғлиқни сақлаш муассасаси ходими Мустафо Саодатов Тошкентга йўл олди. Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва физнотерапия илмий-тадқиқот институти ходимларининг бир ҳафталик меҳнати зое кетмади. 50 даража иссиқликда бўлган қудуқ суви таркибида бир қанча шифобахш моддалар борлиги аниқланди.

Нишон тумани ҳудудида чиққан бу сув Чортоқ, Ситораи Моҳи Хосса минерал сувларидан қолишмайди. У кишининг асаб тизими, тери, юрак, ошқозон ҳамда ичак, гинекологик ва шу каби бир қанча хасталикларига даво бўла оладн.

Р. ЖУМАЕВ.

Жаҳон 24 соат ичида

БРЮССЕЛЬ. Босния серблари қўшини жойлашган қароргоҳларга алоҳида ҳолатлардагина БМТ назорати остида ҳаводан зарба бериш мумкин. НАТОга аъзо бўлган 16 мамлакатнинг доимий вакиллари узоқ музокаралардан сўнг шу қарорга келдилар.

НАТО Бош котиби Ианфред Вернер матбуот учун берган баёнотида таъкидлашича, иттифоқ ҳарбий кучлари тезкор ҳаво ҳужуми ва «бошқа амал»ларга тайёргарликни бошлаб юборган. АҚШ, Франция, Буюк Британия ва Нидерландия юборган 60 та самолёт Италия авиабазаларида жанговар ҳолатда турибди.

* * *

РАБОТ. Исроил билан тинчлик музокаралари олиб бораётган Фаластин делегациясининг раҳбари Ҳайдар Абдил Шофий АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер билан Қуддус шаҳрида бўладиган учрашувда қатнашмаслигини маълум қилди.

Фаластин вакилининг айтишича, деб хабар беради РАТА — ТАСС мухбири, Яқин Шарқ масаласида Вашингтон қарашларида ҳеч қандай ўзгариш бўлмагани унинг Америка ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари билан учрашувдан бош тортишига сабаб бўлган. Шунингдек, Абдил Шофий бу хатти-ҳаракати билан Исроилнинг Ливанга қарши тажовузига норозилик билдирмоқчи. Маълумотларга кўра, Исроил ҳужумн оқибатида Ливан фуқароларидан 130 киши ўлган, 450 нафар киши яраланган.

* * *

ТОКИО. Хитой ҳозирги пайтда савдо соҳасида Японияниинг АҚШдан кейинги иккинчи йирик шеригига айланди. У ўзининг Японил компаниялари ҳамкорлигида амалга ошираётган савдо-сотиқ ишлари миқёси билан Германиядан ҳам ўзиб кетди.

«Нихон кэйдзай» газетасининг ёзишича, дастлабки олти ой ичида Япон-Хитой савдо-сотиқ ҳажми 16,8 миллярд долларга етди яъни ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 29,7 фоиз ошди.

Япон мутахассисларининг фикрига қараганда, бу ўсиш жадал ривожланаётган хитой иқтисодининг бевосита таъсири туфайлидир.

* * *

АНҚАРА. Туркиянинг Жанубн-шарқий қисмида бўлиб ўтган жанглар туфайли 18 киши ҳалок бўлди, деб хабар қилади «Теркиш дейли ньюс» газетаси.

Битлис вилоятига қарашли Мутка шаҳри яқинида Курд ишчи фирқаси (КИФ) жангарлари билаи бўлган отишмалар чоғида олти нафар турк ҳарбий хизматчиси ўлдирилган. Айирмачилар Муш шаҳрида темир йўл ишчисини, унга қўшни қишлоқда эса оқсоқол билан учта қўрқинчисини ўлдириб кетишган. Ширноқ вилоятида Туркия хавфсизлик кучлари билан бўлган тўқнашувда уч нафар жангари отиб ташланди.

Туркия ҳукумати мамлакат Жанубн-шарқидаги айирмачилар отрядларини йил охиригача тугатишни мўлжаллаган. Мазкур гуруҳлар мамлакат ҳудудида мустақил Курд давлати тузиш учун 1984 йилдан буён қуроллн кураш олиб бормоқда. Ҳозиргача минтақадаги ўзаро жанглар 6400 нафардан ортиқ кишининг ёстиғини қуритди.

* * *

ВАШИНГТОН. Душанба куни Калифорния штатининг Ванденберг авиабазасидан учирилган Америкаиинг «Титан—15» ракетаси портлаб кетди.

Америка ҳарбий ҳаво кучлари вакилининг маълумотига қараганда, бу ракета орбитага махфий юкни олиб чиқиши керак эди. Учирилганидан сўнг орадан икки минут ўтгач портлаган ракета ва юкнинг бўлаклари Тинч океанига тушган.

• *Маҳалла ҳаёти*

ВАТАННИНГ БИР ПАРЧАСИ

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИДАН

Ўтган йили таъсис этилган республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси» бугун ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим бўғини сифатида ўзининг муносиб ўрни ва мавқеига эга. Ҳозир биргина Хоразм вилоятида 680 та маҳалла, уй-жой қўмитаси фаолият кўрсатмоқда. Меҳнаткашлар ижтимоий турмушини уюштириш, Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, истиқболга равон йўл очиш, миллий-маънавий қадрнятлар барҳаётлигини таъминлашда уларнинг беқиёс улуши бор. Лекин, навбат кутаётган ишлар ҳам оз эмас.

Вилоят маҳалла фаоллари билан Урганч шаҳридаги Эгам Раҳим номли П маҳалла маданий-маърифий марказида ўтказилган бир пиёла чой устидаги ширин гурунгда ана шулар хусусида атрофлича фикр юритилди. Нотиқлар ранг-баранг фикр ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

— Маҳалла — Ватаннинг кичик бир бўлаги. Инсон ўзи камолга етган азиз тупроқни қадрламоғи, фарзандлик, инсонийлик бурчини муносиб адо этмоғи керак, — деди учрашувда сўз олган Урганч шаҳар ҳокими Р. Султонов. Унинг таъкидлашича, шаҳардаги барча маҳаллалар иноқ ва тотув турмуш кечирмоқда. Маҳалла қўмиталарининг обрўси баланд. Бу эса турмуш барқарорлиги, қонунбузарлик ва тартиббузарлик ҳатти-ҳаракатларининг кескин камайиши гаровидир. Бироқ, коммунал уйларда истиқомат қилувчилар ўртасида олиб борилаётган ишлар ҳали юксак талаблар даражасида эмас.

Вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Э. Искандаров эса дил сўзларини қуйидагича баён этди:

— Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита раҳбарлиги ва раҳнамолиги туфайли шаклланган бу жамғарма қисқа вақт ичида ҳаёт гўзаллиги манбаларидан бирига айланди. Хайр-эҳсон сифатида унинг ҳисобига тушган 5 миллион сўмдан зиёд маблағ аллақачон муҳтож ва кўп болали оилалар эҳтиёжи, маҳаллалар ободлиги ва тўкинлиги йўлида сарфланди. Мақсад, мададга муҳтож барча хонадонларни имкон борича қўллаб-қувватлашдан, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Урганч районидаги А. Навоий номли маҳалла қўмитаси раиси Р. Бобожонов «Маҳалла аҳлининг тотув турмуши бутун вилоятга, қолаверса мамлакатимизга хос турмуш тарзининг ўзига хос рамзидир, — деди, — маҳалла-қўй аҳиллиги, тўқлиги давлатимиз қудрати, халқимиз ҳамжиҳатлигидан далолат».

Учрашувда сўз олган бошқа нотиқлар ҳам шу каби дил сўзларини изҳор этишди, таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлашди.

Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси бошқаруви раиси Ш. Темуров ва вилоят ҳокими М. Жуманиёзов учрашув қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқдилар.

Фаолларнинг дилтортар суҳбати яна бир ҳаяжонли маросимга уланиб кетди. Учрашув тугар маҳали ҳоким М. Жуманиёзов хайрли ташаббус кўрсатди: хайрия жамғармасига ўз ҳисобидан 175 минг сўм ўтказди.

«Катта арава қайдан юрса, кичиги ҳам шундан юрмоғи даркор», ярим ҳазил, ярим чин қилиб таъкидлади Урганч ёғ-мой комбинати директори, Ўзбекистон халқ депутати Тельман Жўраев. «Марҳамат, олинглар юз минг сўм — бир ойлик маошим. Жамоамиз билан эса эртагаёқ маслаҳатлашиб, 3 миллион сўмни ҳисобингизга ўтказиб берамиз». Ўша куни Урганч вино заводи бир миллион, сут-мой заводи, пиллакашлик фабрикаси ва тикувчилик бирлашмаси ярим миллион сўмдан пул инъом этадиган бўлдилар.

Абдулла СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

• *Ҳа, шунақасиям бўлади*

«БУЗОҚНИНГ ЮГУРГАНИ...»

...Дам олиш кунлари «Тезиковка» бозори турли тонфадаги ва ҳар хил мақсадли одамлар билан ғавжум бўлиб кетади. Кимдир ўзига керакли бўлган буюмни арзон нархда сотиб олиш ниятида бўлса, бошқа бирлари молларини тезроқ сотиб, ўзлари хоҳлаган нақд пулни олишга шошилишади. Ва бундан ташқари бозорда яна бир тоифа одамлар борки, уларни бу ерга етаклаб келган ўз мақсад-аъмоли бор. Уларни фирибгар деб аташади...

Ҳамма сингари Николай Фёдоров ҳам қаторлар оралаб борар экан, у ҳар хил буюмлардан ҳам кўра мол эгаларига кўпроқ эътибор берар, нарсаларнинг нархини эса номигагина сўраб-суриштирар эди. Илгари тўрт марта судланган Н. Фёдоровнинг шошиладиган жойи ҳам йўқ эди. Чунки у айни вақтда ҳеч қаерда ишламас, оломон оралида юриши эса унинг учун вақтни шунчаки ўтказиш эмас, балки... Моддий қийинчилик Н. Фёдоровни тез ва аниқ ҳаракат қилишга ундарди. Унинг синчков назари одамлар орасида деярли яп-янги мопед сотаётган киши билан болада тўхтади. У чинакам харидор каби мол ҳақида сотувчидан нималарнидир сўраб кўргач, буюмнинг баҳоси ҳақида тортиша бошлади. Мижознинг молни қизиқиш билан кўраётганига ишонган сотувчи унинг жиддий ҳаракатларидан шубҳаланмади. Шунинг учун ҳам Н. Фёдоров уларни пул учун бу ердан унча узоқ бўлмаган уйда яшайдиган холасиникига бирга боришга таклиф қилганда мол эгаси дарҳол рози бўла қолди.

Холасининг уйи ҳақиқатан ҳам унча узоқда эмас экан. Томонлар келишиб олиб, ҳовлисига киришгач, Н. Фёдоров «транспорт ўзи созми, буни текшириб кўриш керак». — деди. Сотувчи розилик аломатини билдиргач, харидор мопедни ўт олдириб газга зўр берди ва шу кетганча дом-дараксиз йўқолди. Нажотсиз қолган ота-бола эса уни ҳали ойлаб кутишларини билишмасди...

Фирибгар эса ўғирланган мопедни арзон-гаровга сотди-да, ҳамтовоқлари билан спиртли ичимликка муккасидан шўнғиди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Ульфатларнинг иштаҳаси эса дарённ симиргудай эди. Шунинг учун ҳам Н. Фёдоров бир ҳафта ўтар-ўтмас яна ўша «Тезиковка» бозорида пайдо бўлди. Тақдир эса унга бу сафар «Иж-юпитер» мотоциклини дучор қилди. Савдо ҳам одатдагидек силлиқ кўчди. Айтилган нарх эса жуда баланд бўлганидан Н. Фёдоров сотувчига «онаси»никига кириб, ундан ўзининг сақланаётган пулини олиши кераклигини айтди. Шундан сўнг харидор уларни яқин атрофдаги эски таниши яшаётган уйга етаклаб борди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Н. Фёдоров кўп қаватли уйларнинг бирига кириб чиқиб, «онам пулни санаб бўлгунча, мотоциклни бир ҳайдаб келай», деди. Бу келишувнинг оқибати эса нима билан тугаши ёлғиз фирибгарга маълум эди...

Мотоциклни қисмларга бўлиб, сотиб тугатган Н. Фёдоров бир куни эрталаб уйғониб бир уйда ёлғиз ётганини кўрди. Ва шишадошлардан бири бўлган уй соҳибаси спиртли ичимлик излаб чиқиб кетганлигидан фойдаланиб, унинг рангли телевизорини кўлтиклаб жўнади. «Беташвиш кунлар» ниҳоясига етгач, у яна «Тезиковка» бозорида ўралаша бошлади. Омад эса унга яна кулиб боқиб, бу гал осонлик билан «Иж-планета» мотоциклини қўлга киритди ва уни ҳам қисмларга бўлиб сотиб юборди.

Омади кетма-кет чопаётганлигидан руҳланиб, иштаҳаси карнай бўлиб бораётган Н. Фёдоровнинг навбатдаги жабрдийдаси пивохонадаги столдош қўшнси бўлди. Улар роса ичиб олишган бўлишса-да, бу ҳам камлик қилгандай «базм»ни уйда давом эттиришмоқчи бўлишди. Хонадон эгаси маст бўлиб ухлаб қолгач эса «меҳмон» бу имкониятни ҳам қўлдан бой бергиси келмади чоғи, илк бор кўзига илинган чарм куртка ва пўстиннн олиб хайр-маъзурни насия қилиб жўнаб қолди.

...Ва ниҳоят ўзининг омадлигига тўлиқ ишона бошлаган Н. Фёдоровнинг кўнгли кунлардан бир кун навбатда турган кишининг сумкасини тусаб қолди, бироқ... Ҳуқуқ-тартибот посбонлари унинг шахсини ва илгари содир этган жиноий ҳаракатларини тўлиқ аниқлашиб, натижада танилган ўғирлик ашёларнинг бир қисми қонуний эгаларига қайтарилди. Изсиз йўқолган икки мотоцикл қисмларининг қиймати — моддий зарар суд қарори билан Н. Фёдоровдан эгаларига ундирнб бериладиган бўлди. Фирибгарнинг ўзи эса энди кўп вақтга «омадли харидор» ҳуқуқидан маҳрум этилди. Ҳамза тумани халқ суди томонидан Н. Фёдоровнинг мол-мулки мусодара қилиниб, саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Унинг илгари ҳам бир неча бор судланганини ҳисобга олиб суд ҳайъати Н. Фёдоровни алоҳида хавфли жиноятчи деб топди ва у энди тайинланган жазо муддатини қаттиқ режимли аҳлоқ тузатиш муассасасида ўтайди.

Ўз мухбиримиз.



Сурхондарё вилояти. Бандихон туманидаги Ойбек номли давлат хўжалигида маккажўхоридан юқори ҳосил етиштиришнинг агротехникасини пухта эгаллаган деҳқонлар оз эмас. Бу йил хўжаликда юз гектардан кўпроқ майдонда маккажўхори парвариш қилинмоқда. Уларнинг ниятлари гектар ҳисобига 40—45 центнердан қаҳрабо дон етиштириш. Маккажўхори майдони четидан пайкалларга боқиб турган суючи Соатмурод Тўраев бунинг учун барча асослар яратилганлигидан мамнун.

И. ХЎЖАЕВ олган сурат. (ЎзА).

• *Ҳаёт ҳикматлари*

ОТАЛАР УЗР СЎРАМАЙДИЛАР

«Ота» деганда кўз олдимизда катта ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган, сўзи-ю одоби гўзал, том маънодаги инсоний хислат ва фазилатларни ўзида мужассамлаштирган нуроний сиймо намоён бўлади. Отанинг буюклиги шундаки, у кундалик ҳаётда учраб турадиган мураккаб муаммоларнинг ҳаммасини ақл тарозисида обдон ўлчаб, энг тўғри хулоса чиқаради. У оиланинг сардори, файзу барокоти, зеби-зийнатидир. Шундай экан, ота ўз обрўси ва оилада тутган мавқеи билан, ўта масъулиятли вазифаларни бажаришга муносиб ва доим тайёр бўлиши шарт. У ўзининг онгли ҳаёти ва мустаҳкам имон-эътиқоди, одоб-ахлоқи, яшаш тарзи ва ҳалол меҳнат фаолияти билан ўз оила аъзоларига намуна мактаби, ибрат кўзгуси бўлмоғи лозим.

Ота (она) фарзандларининг руҳий дунёсини — феъл-атворини, қобилият ва эҳтиёжларини чуқур билмоғи даркор. Оилани бошқариш ва тарбиянинг тўғри йўлга қўйилишида ана шу бош мезонга амал қилинган тақдирдагина оилада мўътадил руҳий иқлим вужудга келади. Барча инсоний хислатларни фарзанд илк бор ўз ота-онасидан олади.

Донишманд Бузуржмеҳр айтганларидек, отадан фарзандига одобдан аъло мерос топилмайди, чунки отасидан одоб меросини қўлга киритган фарзанд одоби туфайли ҳар кимнинг ҳурматини қозонади, улуғ мартабаларга эришади.

Шу боисдан отанинг фарзандига айтган ҳар бир оқил сўзи, ҳатто аччиқ панд-насиҳати болдан ширин, олтиндан қимматдир. Агар фарзанд буни тўғри англаса ва ўз ҳаёти ва фаолиятида шунга амал қилса жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топади ва рўшнолик кўради. Маълум маънода фарзандларимизнинг келажаги — истиқболи, уни чинакам атук, баркамол шахс сифатида шаклланиши ана шу омил билан изоҳланади.

Шу боисдан ота-онанинг қадр-қимматини сўз билан ифодалаб бўлмайди. Уларнинг баҳосини на бойлик ва на зеб-зийнатларга муносиб қўйиш мумкин. Фарзанд камолини ўйлаган ота уни жамият ва халққа зарур ва муносиб қилиб вояга етказиш учун жон фидо қилади. Шул боис ҳам фарзандлар, умр бўйи ўз ота-оналари ҳузурида қарздордирлар.

Ҳикмат китобларида ота-онанинг фарзандга нисбатан саксонта ҳақи борлиги ёзилган. Уларнинг ярми барҳаёт вақтида ва қолган қирқтаси вафотидан кейиндир. Фарзандинг бурчи — ота-онани севмоқ, ота-она учун лозим бўлса жонини ҳам фидо қилмоқдир. Ҳазрати Навоий ёшларга қарата:

«Бошни фидо айла ота қошига,
Жонни қил садақа она бошига»,

деб бежиз хитоб қилмаганлар.

Бу муқаддас бурч мустақил жумҳуриятимизнинг биринчи Қомусида ҳам қонунлаштирилиб мустаҳкамланган. Жумладан, Қомуснинг 66-моддасида: **«Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар»** деб ёзиб қўйилган.

Қуръону Карим ва Ҳадиси шарифларда ҳам фарзанд узлуксиз ота-она хизматида бўлиши, уларнинг розилиги асосида ўз ҳаёти ва фаолиятини йўналтириши лозимлиги бир неча жойда қайд қилинган; ота-она ўз фарзандидан рози бўлган тақдирдагина оллоҳ субҳонаҳу ва таоло ҳам унинг фарзандидан рози бўлиши уқтирилган.

Масалан, Қуръони Каримнинг ўттиз тўрт оятдан иборат «Луқмон» сурасида: «14. **Биз инсонга ота-онасини** (яъни уларга яхшилик қилишни) амр этдик... (Биз инсонга буюрдикки): **«Сен менга ва ота-онангга шукур қилгин! Елғиз ўзимга қайтажаксан!** 15. **Агар улар** (яъни ота-онанг) **сени ўзинг билмаган нарсаларни менга шерик қилишга зўрласалар, у ҳолда уларга итоат этма! Уларга** (гарчи кофир бўлсаларда) **дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг менга инобатгаббо қилган кишиларнинг йўлига эргашгин!»** («Қуръони Карим» — Ўзбекча изоҳли таржима, 285 бет. Чўлпон нашриёти, 1992 йил).

Муҳаммад пайғамбар ҳадиси муборакларида бундай дейилади: **Кимни ота-онасининг розилигини олган бўлса, унга қандай яхши! Тангри унинг умрини узайтиради»** ёки отага итоат этиш тангрига итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш тангри олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир.

Маълумки, ота-онанинг ёши улғайиб борган сари билим ва ақл доираси кенгайиши билан бир қаторда хотираси заифлашади, баъзан турли хасталикларга чалинади ва руҳий ҳолатлари тез-тез ўзгариб туради. Фарзандларимиз қар қандай вазиятда ҳам бу мураккаб ва зиддиятли ҳолатни тўғри тушунишлари ва ота-она билан мулоқотда самимий, ҳушчақчақ, ўта мулойим ва ширинсуҳан бўлишлари даркор. Токи, фарзандининг ҳар бир сўзи уларнинг кўнгилларини юксакликка кўтарсин.

Мамнуният билан шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кўпчилик ёшларимиз ота-оналарининг иззат ҳурматини жойига қўйиб, уларнинг ақволидан ҳамиша хабар олиб турадилар, уларни эъзозлаб моддий эҳтиёжларини ҳам, маънавий қадриятларини ҳам қондириб келмоқдалар. Бундайлар доим халқ назарида бўлиб, уларни эл-юрт ҳурматлаб олқишлайди.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани «Янги ҳаёт» маҳалласида 70 ёшли табаррук онахон Матлуба Абдураҳмонова истиқомат қиладилар. Она турмуш ўртоғи Абдумаълон Абдураҳмонов билан бирга тўрт ўғил, икки қизни тарбиялаб вояга етказадилар.

Абдумаълон ота беш йилдирки хасталик сабаб тўшакка михланиб қолганлар. Бундай беморни боқишга, унинг зарурий эҳтиёжларини қондиришга ҳар ким бардош беравермайди. Бироқ отанинг фарзандлари бу оғир вазифани баҳоли қудрат бажариб келмоқдалар. Фарзандлар деярли ҳар куни бемор отанинг ҳузурида бўлишиб, дуосини оладилар. Отани ҳаётга қайтарган ҳам, хаста дилга далда бўладиган ҳам оқил фарзандларидир.

Таассуфки, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, фарзандларимиз орасида ҳам кексайиб қолган отасининг кайфияти билан ҳисоблашмайдиган дилозорлар ҳам учраб туради.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам бўладики, айрим кекса оталар фарзандларини ўринли ёки ўринсиз койийдилар, танбеҳ берадилар. Бир фурсат ўтгач эса қария ўз сўзи ва қаттиқ ҳаракати ноўрин эканлигини тушуниб қолади. Лекин фарзандига узр айтиш учун унинг оталик (ёки оналик) ғурури йўл қўймайди. Баъзан фарзандлар эса, бу табиий ҳолатни тушунмайдилар ёки тушунишни истамайдилар. Бундайлар кекса отаси билан муносабатга киришиб, уларни мулзам қилишдан ҳам тоймайдилар. Табиийки, келтабинлик билан қилинган бу тақлид ғайри инсоний муомала ота руҳиятига салбий таъсир этади, изтиробга солади ва оқибатда унинг умрини қисқартиришга олиб келади.

Ишонч билан шуни рўй-рост айтиш мумкинки, ота-онанинг дилини оғритган фарзанд ҳаётда унмайди ва рўшнолик кўрмайди. Зеро, Ҳадиси шарифда: «ал қасос ил минал ҳақ» дейилган, яъни ҳар қандай ёмонлик, тошбағирлик жазосиз қолмагай ва муқаррар адолат зарбасига учрагай. Бу ҳаёт синовидан ўтган аччиқ ҳақиқатдир.

Кези келганда, ўғил-қиз ота-онага қандай муносабатда бўлган бўлса, унга ҳам фарзандлари шундай муносабатда бўлишини — яхшиликка-яхшилик, ёмонликка-ёмонлик ва хор-зорлик қайтишини эслатиб ўтиш жоиздир. Доноларнинг, бу оламни қайтар дунё дейишади. Ҳар ким экканини — буғдой экан буғдой, арпа экан арпа ўради. Шу боис ўз ота-онасини қадрига етмаган кимса, ҳеч қачон бошқалар ҳурматига муяссар бўла олмайди.

XI аср донишманди Кайковус ўзининг «Қобуснома» асарида қуйидагиларни ёзади: «Ҳар киши ота-она (асл)нинг яхшилигини билмаса, бировнинг яхшилигига баҳо бераолмайди ва ўз фарзандинг сени ҳурмат қилишини истасанг, сен ҳам ота-онангни ҳурмат қил, чунки сен ота-онанг ҳақида нима иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенга худди шундай иш қилади».

Ота-онанинг барҳаёт чоғлари энг бахтнёр, энг масъуд ва ғанимат дамлардир. Бино барин, имконн борича уларнинг тирик вақтларида рози қилиш ва дуоларини олиш ҳар бир фарзандининг муқаддас бурчидир.

Шоир Мақсуд Шайхзода ёзганларидек:

«Дўстлар яхшиларни
авайлаб асранг,
Салом деган сўзнинг
савобини сақланг
Улганда юз соат йиғлаб
тургандан
Уни тиригида бир соат
йўқлангн».

Зайниддин ИСАМУҲАМЕДОВ,
кекса журналист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ОҒИЗГА КЕЛГАННИ ДЕМАК НОДОННИНГ ИШИ



«КОМСОМОЛЬСКАЯ ПРАВДА» ГАЗЕТАСИНИНГ МУХБИРИ ДАРЬЯ АСЛАМОВАНИНГ «ЭРКАКЛАР УЛИМ ОЛДИДАН НАҚАДАР ГЎЗАЛ КЎРИНАДИЛАР» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ

Сидқидилдан ва вақтида айтилган оддийгина сўз қудратли ва енгилмас кучга айланади, у билан беҳисоб қўшинлар забт этолмаган қалъани олиш мумкин.

Биз, журналистларнинг қўлимизда ана шундай қудратли қурол бор. Бу қуролни жарроҳ ўз наштаридан нечоғлик эҳтиёткорлик билан фойдаланса, шунчалик, балки ундан ҳам хушёрроқ ишлатиш лозим. Зеро, табиб адашса кишига жароҳат етказади, нотиқ адашса-чи... худо кўрсатмасин. Лев Толстой «Сўз билан одамларни бирлаштириш, уларни бир-бирлари билан юзкўрмас қилиб юбориш, меҳр қозониш, нафрат ва адоватга йўлиқиш мумкин. Одамларни бир-биридан ажратадиган сўзни айтишдан сақлан», деганида нечоғлик ҳақ эди.

Дарьяхоним! Мана шу ҳикматларни айтган, паҳмоқ соқолли доно бобонгиз, «Комсомольская правда»нинг шу йил 24 июнь сонида босилган «Эркаклар ўлим олдидан нақадар гўзал кўринадилар» сарлавҳали мақолангизни ўқисалар, Сиздан ранжишларига шубҳам йўқ. Зотан, доноишмандлар, сўз айтишдан аввал ҳар дақиқа сўз ортидан келадиган оқибатни ўйлайдилар, етти ўлчаб бир кесадилар. Афсуски, бундай хислати нобоб ҳаммага ҳам насиб этавермас экан.

Мақолага қайтамиз. У Югославиянинг бугунги нечимишлари ҳақида бўлганлиги учун дарҳол газетхонинг эътиборини тортади. Чексизлик бағрида бинокдек келадиган маконимиздаги оловли нуқталардан бири мана шу юртда. У ерда илдизи, насл-насаби бир — гарбий славянлар қони тўкилмоқда. Ҳа, икки динга мансуб бир миллат қирилмоқда. Кечагина елкама-елка туриб ўз озодлиги учун курашган, яхши меҳнат қилган, болалари бир бешланкада ўсган, тўю томоша-ларда биргаликда давру даврон сурган ота-оналар бугун бир-бирларини кўришга кўзлари йўқ. Бундай нафрат қаердан ниманинг қодирлигини, биз Фарғона, Ўш, Душанбе воқеаларидан биламиз.

Хуллас кўнглимдаги хавотир, изтиробу ташвишларга малҳам топиш бу низонинг ибтидоси-ю интиҳосини қайдалигини билиш мақсадида мақолани вужудим кўз бўлиб ўқиб чиқдим. Лекин... Мухтарама ҳамкасабам ҳафа бўлмангу, юмшоқроқ қилиб айтганда, сизнинг мақолангиз учун газета саҳифасидан кетган жойга жуда-жуда ачиндим.

Ўқишда давом этдим, «...серблар томонидан рус кўнгиллилари ҳам жанг қилмоқдалар. Биз «Подшо бўрилари» отряди жойлашган мусулмонлар ёқтиришмайди. «Газетачиларни кўргани кўзимиз йўқ, — дейишади кўнгиллилар. — Биз ҳаққимизда ҳар хил бемаъни нарсаларни ёзишади. Гўё қон ҳидидан сархуш бўлларканмиз, бу ерга пул тўплаш учун келганмишмиз. Ахир бизга бор-йўғи 200 доллардан ошиқроқ ҳақ беришади. Бизни бу ерга миллатпарварлик туйғуси бошлаб келдн, тушундинг-ми?».

Кўнгиллиларнинг бу ерга БМТ йўлланмаси билан келган русларга ғаши келаркан. «Ана ўшалар мўмай пул ишлаш учун келишган!» Муаллиф бу аламзада йигитлар Ватанда кўп азият чекишган дейди. Биринчи боласи йўқ, иккинчисини хотини ташлаб кетган, учинчиси ўз уйида ортиқча. Мен уларнинг пул ишлашга келишмаганига ишоламан. Бу ерда уларни ҳурмат қилишади, жасоратларига таҳсинлар айтишади», дейилади мақолада.

Ё, тавба! Бу гапларнинг мағзини қандай чақиш мумкин? Бири — бирини инкор қилувчи бу жумларнинг эгалари кўнглида нималар борлнгини қандай билса бўлади? Жангарини дунё қайғуси эмас, миллатпарварлик туйғуси ўша томонларга етаклаб борган экан. Бунга ишониш қийин. Чунки, бу «миллатпарварлар» БМТ юборган ўз ҳамюртларини кўролмайдилар. (чунки улар кўпроқ ҳақ олишади). Астағфурилло! Агар хотинсиз бўйдоқлар, бефарзандлар, бошлиғи хафа қилганлар Ватанларини ташлаб кетаверса, Россияда ким қолади. Ахир шахсий омадсизлик, оилавий келишмовчилик Ватандан ўпкалашга сабаб бўла оладнми ?Ватан туйғуси қайдаю, бир кишининг инжиқлиги қайда. Бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўйиш эмасми, бу. Уларда ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғулари, инсоний фазилатлар не қилсин. Ҳақиқий инсон одам ўлдиришни касб қилмайди. Аммо, муаллиф жанггариларни пул учун ёлланма жаллодли қилмаётганликларига ишонаман, дейди.

Мен эса ишонмайман. Россиядаги аксарият одамлар ҳам уларга ишонишмайди. Дошноқу озарлар, гуржи-ю абҳазлар томонидан туриб жанг қилаётган бетайинлар кўзимизни очиб қўйган. Улар қайси миллатнинг ёнини олишмоқда? Ким кўп тўласа, ўшанинг хизматини қилишмаяптими? Муаллиф ишонибди, биз ишонмаймиз. Агар улар чиндан ҳам инсонпарвару миллатпарвар бўлганларида БМТ топшириғи билан икки динга мансуб бир халқни муросага чорлаётган ҳамюртлари қаторига қўшилган бўлишарди. Қўйингки, жангарилардан бошқа ҳунарлари бўлмаса, ўз юртларида ҳам жасорат курсатишга имкониятлари кўп эдику, уларнинг. Масалан, бутун қаҳру ғазабларини давлат ва халқнинг тинка мадорини қуритаётган мафияга, уюшган жиноятчиликка қаратсннлар эди. Имоним комилки, шундай қилганларида эл-юрт ичида катта обрў-эътибор топардилар.

Муаллиф мақолани қуйидагича якунлайди: «Ер юзида бўрилар ҳукмронлик қилмоқдалар. Тирик қолиш учун ўлдириш керак». Ё раб, аслида оғир бир дард билан айтилган бу нидо ҳам худди зўравонликка, бирodаркушлнкка чорловга ўхшаб кетади.

Ана шу сатрларни ўқиб туриб, бенхтнёр журналистика ҳақида, бу масъулиятли ва шарафли касб ҳақида ўйлаб кетаман. Мақола муаллифи каби биз ҳам совет матбуоти мактабида таълим олганмиз, тарбияланганмиз. Ўтмишни фақат қора бўёқларда чаплаб кўрсатиш нодонликдир.

Муҳтарама ҳамкасаба! Ёдингизда бўлса, бизга сўз — шамолга қараб учадиган пуфак эмас, у — иш қуроли деб ўргатишган. Қўлида қуроли бор одам эса, эрмак учун ўқ узавермаслиги керак. Ўзбек матбуотининг отаҳони Шароф Рашидов «Журналист — сиёсий арбобдир» деб бежиз айтмаган. Арбоб эса сўз масъулиятини ҳамиша чуқур ҳис қилмоғи лозим. Матбуотининг тўртинчи ҳокимият дейишларида ҳам чуқур маъно бор. Газетадаги бир жумла омманинг ёғазабинн, ёки қувончини тошириши мумкин.

Москвалик айрим журналистлар ўзбек матбуотини оғзи ёпиқ қозонга қиёс қиладилар, Гўёки, бизда матбуот эркинлиги йўқ эмиш. Қани айтингчи, Ўшда қонли воқеалар содир бўлганда, биз юртдошларини қасосга чорлаганимизда не ҳол кечарди ?Фарғонадаги бирodаркушликни қўллаганимиздачи? Ахир биз ўзбеклармиз, миллатимизни кўллашимиз, уруғ-аймоғимиз учун қайғуришимиз табиий. Алҳамдулилло, мусулмонмиз, диндошларимизнинг тирноғи кўчса, бизнинг дилимиз оғрийди.

Буни ҳис қилишингиз учун Озарбайжонда тўрт нафар ёлланма жангари йигитларингиз ўлим жазосига ҳукм қилинганида, ҳамқасбларингиз қандай шов-шув кўтаришганини эслаб кўришнинг ўзи кифон.

Хуллас, москвалик баъзи ҳамкасбларимиз тоталитар тузумни қоралайдилару, аммо ўзлари вужудларига сингиб кетган буюк оғачилик руҳидан қутула олмаяптилар. Улар бир хил ҳодиса учун ўзларини янглишган, бошқаларни эса жиноят қилган ҳисоблайдилар. Бу ҳол бизга жуда таниш. Ўзбекистонга тартиб-интизом ўриатиш учун келган кадрлар қўйни-қўнжини порага тўлдириб, тинчгина қайтиб кетишгани, туну кун пахтазордан чиқмайдиган бечора деҳқонлар эса йўқ айблари учун ҳибсга олингани ҳали ёдимиздан чиқани йўқ.

Дарахтнинг шохига урсанг, илдизи титрайди. Аммо биз фақат мусулмонлар учун куюнаётганимиз йўқ.

Билсангиз агар, Богдодда ҳалок бўлган актрисага бир куйган бўлсам, Москвадаги автомобиль ҳалокатида нобуд бўлганларга ўн бор куйдим. Москвага қўнғироқ қилиб, дўстларим омонлигини билгачгина кўнглим таскин топди. Инсоннн дини, миллати, амали, молу дунёси учун эмас, инсонлиги учун эъзозлаш тимизга ишонамиз ва ўз тақдиримиздан хотиржаммиз. Кўтаринки кайфиятда истиқбол иморатини қурмоқдамиз.

Аммо «Шарққа маданият келтирганмиз» дегувчи айрим ҳамкасбларимиз ҳамон бизга танбеҳу панд-насиҳат қилишдан тийилмаяптилар. Уларга гоҳ сиёсатимиз ёқмаса, гоҳ пахтасини энди сув текинга бергиси келмаётган деҳқонимиз ёқмайди. Хуллас, ҳар куни бир тош отишмаса, хотиржам бўлишмайди.

Ўзбек журналистикаси сизлар ўйлагандек, оғзи ёпиқ қозон эмас. Унда шарқона вазминлик, одоб ва бағрикенглик бор. Бизда ҳақиқат болта билан ўтин ёргандек эмас, балки ўта назокат билан айтнладики, бу сўз яхши-ю ёмоннинг, тўғри-ю эгрининг кўнглига оғир ботмайди. Бу кўрқоқлик, ожизлик белгиси эмас, балки донолик аломатидир. Жаҳондаги энг нуфузли дипломатлар рақиблари билан мулоқотда ўзларини қандай сипо тутишларини кўргансиз. Ана шу Шарқ таълимидир!

Юқорида совет журналистика мактабини мақтаган эдик. Шу ўринда бироз мулоҳаза ҳам туғилди. Бизни матбуот маълум гуруҳ, партия ва жамоага хизмат қилади, деб ўргатишган. Сизни янглиштираётган нарса, шу назарня бўлса керак. Менимча, ҳақиқий эркин матбуот ҳаётга умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан қараши лознм. У дини, миллати, нрқи ва мафкурасидан қатъий назар барча аҳли инсон ўртасида эзгулик уруғини сочувчи тарбия воситаси бўлиши керак.

Ҳурматли Дарьяхоним!

Меҳрдан меҳр, қаҳрдан қаҳр туғилади, дейдилар. Сиз билан биз ҳамиша меҳру муҳаббат ижодкорлари бўлайлик. Бобомиз Алишер Навоий айтганларидан:

Оғизга келганни демак
нодоннинг иши,
Олдига қўйганни емак
ҳайвоннинг иши.

Малол келмаса, бу гапларнинг мағзини чақинг. Оғир ботса, узри биздан.

Абдукарим РАҲИМВЕРДИЕВ,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

МУБОРАК БОБОКАЛОН ҚИССАСИ

Қўлимда ёзувчи Саъдулла Сиёевнинг улуғ бобомиз ҳазрати Яссавий ҳақидаги катта ижодий ишининг тугалланган бир қисми турибди. Асарни катта қонққиш билан ўқиб чиқдиму хаёл мени ўттиз йиллар бурунги воқеаларга олиб кетди. Ҳали маънавиятимизда маҳдудлик даврлари эди. Хусусан, ўтмиш қадриятларимиз, айниқса, руҳоний дунё сиймолари ҳақида бирор гап айтиш қатъиян ман қилинган эди.

Кўнгил майли, шароит машаққатлари бездирганиданми, биз Саъдулла ака билан Ҳазрати Султон — Яссавий бобо зиёратига йўл олдик. Мен ўшанда Яссавий бобомизга бағишлаб бир икрорнома — ғазал битган эдим. С. Сиёев ўша ғазални кўлимдан юлиб олди-ю кейинчалик аллақандай туман рўзномасида эълон қилиб юборди. Ундан кейинги маломатларни эса қўяверинг...

Мен ўшанда ёзувчимизнинг ушбу жонбозлигига бироз ажабланиб қараган эдим. Тўғри-да, С. Сиёев кундалик турмуш ҳақида нечоғлик зукко бўлмасин, ҳожий ҳикоялар ёзиб юрган адиб эди. Бир қарашда агар юртдошлигини ҳисобга олмасангиз Сиёев билан Яссавий фалсафасининг алоқаси йўқдек. Энди ўйласам, адиб руҳида Яссавий руҳиятига ошуфталик ўша йиллардаёқ илашган экан. Албатта бу орада С. Сиёев тарихий мавзуда «Аваз Ўтар» деб номланган роман ёзиб қаламини бир қадар чархлаб олди. Бироқ Яссавий...

Бу айтишга осондир балки. Фикримизча, яклит тафаккур ҳеч қачон табақаларга бўлинмайди. У хоҳ дунёвий, хоҳ руҳонний бўлмасин, инсон тафаккури намунаси сифатида намоён бўлади. Шу маънода инсоният руҳий оламининг буюк устунларидан бири Яссавий бобомиз ҳақида асар ёзишга журъат қилиш ҳазилакам гап эмас.

Майли, Яссавий сингари зотлар ҳақида бирор сўз демай, жим юрган даврларимизни тарихнинг бир адолатсиз фурсати деб қўяқолайлик, бироқ бизнинг муҳитдан ташқаридаги жаҳоннинг улкан бир парчаси Яссавий бобони бир дақиқа ҳам унутмасдан у зотни илоҳийлаштириб келгани бор гап-ку. Ҳайрият, Ўзбекистонимиз истиқлолга эришгач, биз ўз авлиёларимиз — руҳий мададкорларимизни ҳам бе-

ҳад янглишмаган бўламиз:

Яъни

Эркин улдур саъд этиб нафсинит,
Ғолиб ўлса умрига руҳонинт.

Навоий бобомиз демоқчиларки, бу дунёда эркин, мустақил одам улдурки, кимки ўз нафсини енга олса ва ҳаётида руҳий жиҳат ғолиб келса. Ушбу тариқат Яссавий тариқатидир. Ушбу дунёқараш дини, миллатидан қатъий назар, ҳар бир инсон боласи учун нуқтаи низом, умрбод яшаш шиори бўла олади.

С. Сиёев ислом дунёсининг бетакрор сиймоси ҳақида асар ёзар экан, ўзини тамомила холис адиб сифатида тутади. Ёзувчи ўша давр мафкураси, турмуш инқирозларининг тадқиқ этар экан, қайсидир қаҳрамонига ён босаётганини билдирмасликка уринади. Айниқса тарихий асар ёзаётган адиб учун бу ғоят зарур ва ноёб фазилатдир. С. Сиёевнинг мароқли бу асарини ўқий бошлар экансиз, муаллифнинг ҳар тарафлама пишиб етила бошлаган маҳоратига қойил қола бошлайсиз. Энг муҳими, табаррук бобомиз Султони Орифий Яссавий ҳазратларининг муборак сиймосини аниқ, тиниқ тасаввур эта бошлайсиз.

Ҳурматли адибимизга ушбу бетимсол мавзуни мукаммал инкишоф этишида куч-ғайрат тилаймиз.

Яссавий бобомизнинг руҳи сизни қўллайберсин, Саъдулла ака.

● ЯНГИ АСАР

Саъдулла СИЁЕВ.

ҚАСАМХЎРНИНГ ЖАЗОСИ

«ЯССАВИЙНИНГ СЎНГГИ САФАРИ» РОМАНИДАН ПАРЧА



Шайх нимқоронғи ҳужрада, гул солинмасдан сидирға тўқилган туркона шолчада такбир келтириб ўтирибди. Унинг кўзлари юмуқ, қўлда ҳурмон тасбеҳ. Бармоқлари аста-секин тасбеҳ донасини теради, ҳар дона сурилганда Оллоҳнинг бир исми ёдига келади.

Тўқсон еттинчи дона ўтганда оёқ товуши эшитилди. Шайх кўзини очди. Остонада хос ходими Қутбиддин турарди. Қутбиддин Самарқанд подшоси Маҳмудхон ибн Арслонхоннинг суюкли фарзанди. Ун етти-ўн саккиз ёшларга борган бу йигит ҳалим табиатли, фаҳми тез соҳиби диллардан. Икки йил муқаддам қиблагоҳи бирла Шайх зиёратига келди. Сўнг — туққан юрти, волидаю падаридан воз кечиб, шу ҳилъатда қолиб кетди.

— Бузрукворим...

Шайх индамай тасбеҳини ўгираверди. Юз биринчи донани санаб фотиҳа қилди. Қутбиддин илдам тиз букиб дуога қўшилди. Сўнг истиҳола билан оғиз жуфтлади:

— Бузрукворим... Соброндин Шаҳобиддин ҳожи... изн сўрайдир.

Шаҳобиддин... Бу исм Шайх дилига хиралик элтди. Ҳозиргина жисми жонини чулғаб ётгудуни булут қоплагандек бўлди.

Шаҳобиддин маҳсум бир вақтлар ақли диллардан эди. Ҳаким Сулаймон, Сўфи Донишманд, Бобо Молчин сингари муридлари қаторида Яссавия тариқатига равнақ тилаб Шайхга қўл берган эди. Сўнг шайтони лаъин уни йўлдан оздирди. Жоҳиллиятга берилди. Ҳазрат билан масала талашгани Марвдан имом Марвазий калганда мажлисда унинг ёнини олди, Яссавийнинг лафзига чанг солиб, «Мансури ҳаллож — кофир!» деб бақирди. Неча кунлик мунозарадан кейин Марвазий тасдиқ қилди. Илло-билло, жаҳрия тариқатини қабул қилдим, пирим гуноҳимдан ўтинг, деб ерга бош урди. Шайх мурувват қилди. Бироқ маҳсум хонақоҳ шартларига чидамади, туққан юртй Собронга кетди. Мадрасада мутаваллй бўлди. Нафс жилови илиқдан чиқса чора йўқ экан. Шаҳобиддин толиби илмларнинг ҳақига хиёнат қилиб, Соброндан ҳам ҳайдалди.

Маҳсувнинг бошқа густохона ишларини ҳам Шайх эшитиб турибди. Юрт кезиб, халқи оламни Ҳақ Мустафо йўлига даъват этгувчи дарвишлардан хабар келди. Шаҳобиддин бултур Соброндан бадарға бўлгач, Қоратов ортига ўтибди. Шайхул машойих номидан иршод ёзиб, ўзини Қумкент хонақоҳининг сарвари деб эълон қилибди. Ушал ёлғон иршод, мана, Шайхнинг қўлида турибди. Муҳри қалбаки. Асл муҳрдан нусха кўчирибди, бетавфиқ маҳсум.

Шайх Қумкентга одам юборибди, маҳсумни чақиртирди. Уни эл кўзи ўнгида масжид устунига боғлатириб, сазойи қилдирмоқчи эди. Бироқ Шаҳобиддин ҳукмга бўйсунмади, Қумкентдан ҳажга кочди. Мана, энди ўз оёғи билан келибди... Нечук анга инсоф ато қилибдур?

Қутбиддин қамон қўл қовуштириб, пирга итоаткороне тикилиб турарди. Шайх ёнбошидаи Шаҳобиддиннинг ёлғон ёрлиғини олди. Енгил қўзғолди.

— Маҳсум бирла эл олдида сўйлашармиз, — деди ва гулмихдаги салласига қўл чўзди.

Қутбиддин илдам бориб дастрни олди ва икки қўллаб узатди.

— Барака топинг, ўғлим... Одам қалинми?

— Қалин... Исфижобдан ҳам келибдир...

Шайхнинг юраги сидирилди, кекса кўнгли ғалаён қилди. Исфижоб унинг ота юрти, киндик қони тўкилган манзил. Қиблагоҳининг турбати, онаизорининг бир сиқим тупроғи Исфижобда. Неча йилдирки, зиёратига етолмади. Кўнгилни армон, надомат ўртайди. Оллоҳ насиб этса, энди ёвуқ қолди. Бирор ҳафтада тавоф айлаб кўзларига суртгай.

Ҳазрат кичкина эшикдан «Бисмиллоҳ» деб ташқарига чиқди. Масжиди Султония олдидаги улкан майдон одам билан тўлган. Оқ дасторлик уламолар, мўъжаз, кўк саллалик муллабаччалар, ҳирқа кийган дарвишлару қоп елкалаган деҳқонлар, бола етаклаган аёллар. Майдон чеккасида отлиқ кишилар кўзга ташланади. Эгниларига осган яроғларига қараганда улар ўғуз хони Олтинтошнинг шерикларига ўхшайди.

Ҳазратни кўриб, навкарлар апил-тапил отларидан тушдилар.

Султон орифни баланд айвонда бир муддат сукут сақлаб, халойиққа разм солди. Оломон ичида авлиё бобонинг кароматларини минг бор эшитган, лекин ўзини кўрмаганлар кўп эди. Уларнинг назидда авлиё — девқомат, соқоли кўкрагига тушган, салласи саватдек, тўнининг энгиво этакларига турли хил оятлар чекилган ҳайбатли бир кимса эди. Ана, у чарчоқданми, мутолааданми киртайган осуда Султон эса, бутунлай бўлакча бўлиши керак эди. Ҳазрати кўзларини тикиб одамларга ювош, ўйчан боқиб турибди. Эгнида оппоқ, одми яктак, ингичка қилиб ўралган чоғроқ салла. Соқол-мўйлаби ҳам бежирим. Белида зангори белбоғ. Жуссаси-да кичкина.

Одамлар ҳайрат бармоғини тишлади. Шундоқ кичкина жусса, тик қоматли, ҳушсурат бир кишининг авлиё эканлиги, дунёнинг тўрт тарафида тўқсонминг мурид борлиги, ҳатто подшолар ҳам у киши билан маслаҳатлашиб, иш қилиши тасаввурга сиғмасди.

Майдон босиқ гувулларди. Бесабрроқ кимсалар оломонни тирсакларди, пешайвон сари интилди. Шайх атрофига қараб қолди. Унг томонида Сўфи Донишманд билан Мансурхўжа, сўлда Ҳакимхўжа Сулаймон, Бобо Молчинни кўриб, қўлини кўтарди. Ғовур андак босилгандек бўлди.

— Бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм! — деди Ҳазрат бўғиқ, ширали товушда. Майдон гувлаб акс-садо қайтарди.

— Оллоҳу акбар!

— Оллоҳу акбар!

— Эй, аҳли мўмин! Оралерингизда Шаҳобиддин деб аталмиш Шайхулраисни таниймисиз? Ким биладир, ким билмас, ким ёдида бор, ким унутган, ким эслатмоқ керак, ким эшитмаган, ким эшитган, ким ёдлаган, ким ёдлаган, ким ёдла